

кунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини киёсов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугалганда – киёсов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугалган кундан киёсов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечишган кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бўлишти бўзилганда – охирти кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимча ечиб кўйилганда – охирти кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини буздирилган газ кўрурларида ёки ГТТлариди асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирти кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кўнини ва фактинни таъдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даръво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки Таъминотчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даврий учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ хажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимиди қайд этилган маълумотлардан олинанди);

л) газ истеъмоли хажмлари хисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимум ўлчов чеграсидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирти хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, хатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вақили томонидан охирти марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ аниқланганда) ўрнатиб олиб фойдаланаётганлиқ факти бўйича асослантурувчи хужжатлар мавжуд бўлганда) - бир хисоб-китоб даврига;

н) газ узиб кўйилгандан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, узиб кўйилган кундан бошлаб то аниқланган кунга қадар.

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ хажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ хажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки

чегарасида олинанди.

3.19. Таъминотчи томонидан етказиб бериладиган газ хажмининг ишончлилиги таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "ўзетанлар" агентлиги бўлиммаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилганга учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатилган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охирти кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даръво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z Dst 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЎТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунийликка мувофиқ белгилананди.

4.3. Тарафларнинг келишувида мувофиқ, Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ хажми қийматининг 30% суммасини Таъминотчининг хисоб рақамига ўтказиб беришга келишдилар.

4.4. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун яқуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.5. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар хисоб-китоб қилиш ойи тугатилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун яқуний хисоб-китобни амалга оширишдилар.

4.6. Табиий газдан фойдаланишида Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинанди.

4.7. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги